

---

## Ўзбекистон туманида алимент тўламаган 10 нафар қарздор оталарнинг иши судда кўрилди

2022 йил 26 май куни жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман судида жами 10 нафар алимент тўлашдан қасддан бўйин товлаган қарздорларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47-4-моддаси 1-қисми билан тўпланган маъмурий иш материаллари кўриб чиқилди.

Шундан, 7 нафар қарздорларга нисбатан 15 кунлик маъмурий қамоқ жазоси тайинланди. 1 нафар қарздор ундирувчига алимент пулларини тўлиқ тўлаганлиги сабабли маъмурий иш материали МЖТКнинг 271-моддаси 10-бандига асосан тугатилди, 2 нафар қарздорларга эса алимент қарздорлигини тўлашлик учун муддат берилди.

**Мажбурий ижро бюроси Ўзбекистон туман бўлими**

2022-05-28 14:03:06